

12-1-2019

THE IMPORTANT ISSUES OF IMPROVING THE INVESTMENT LOAN PRACTICE OF COMMERCIAL BANKS

I. Kamilova

Tashkent State University of Economics

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Kamilova, I. (2019) "THE IMPORTANT ISSUES OF IMPROVING THE INVESTMENT LOAN PRACTICE OF COMMERCIAL BANKS," *International Finance and Accounting*: Vol. 2019 : Iss. 6 , Article 8.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2019/iss6/8>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

THE IMPORTANT ISSUES OF IMPROVING THE INVESTMENT LOAN PRACTICE OF COMMERCIAL BANKS

Current article explains that the modern economic situation in Uzbekistan which characterized high investment activity on expanding increasing investment attractiveness of the private sector. The main directions of the program on development of investment lending practices of banks through expansion of bank opportunities on long-term loans in financing investment projects. Main purpose of this paper work is increasing concept of investment loans in all sectors in Uzbekistan and clarify modern issues on developing long term economic growth based on outlined loans by commercial bank. And main findings of the article are defining Presidential Degree on this concern, current analysis on investment loan issuing by commercial banks and regulation forms of the current activity by the central bank of Uzbekistan.

Keywords: investment loan, commercial bank, central bank, interest rate, refinancing rate, mandatory reserve rate, investment project, inflation,

This research studies different ideas of researchers about investment loans and analyzed some statistical analyses on investment bank credit positions in Uzbekistan. Modern problems associated with improving the practice of issuing investment loans to commercial banks of the Republic of Uzbekistan. Commercial banks' loans are a source of funding that plays an important role in the development of each country's economy. Bank loans will ensure continuity of circulating assets of business entities, finance investment costs related to modernization, technical and technological re-equipment of real sector enterprises, while mortgage loans are a prerequisite for the development of the construction industry.

Therefore, the Action Plan for Five Priorities of Development of the Republic of Uzbekistan for 2017-2021 approved by the Decree of P-4947 President of the Republic of Uzbekistan dated February 7, 2017. It is mainly aimed at expanding the lending of promising investment projects by commercial banks. It is necessary to study scientifically the issue of improvement of crediting practice of investment projects.¹

Literature review

According to A. Afanaseva, in the developing world short-term lending to banks is better than long-term investment lending, characterized by high profitability and low risk. The absence of a state investment policy and policies to upgrade fixed assets and strengthen the country's innovative production capacity is a key macroeconomic obstacle for the development of project financing.²

According to I.Judina, the prerequisite for the development of long-term lending practices of commercial banks in developing countries is risk diversification.³

¹ The Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated February 7, 2017, N UP-4947. On the Strategy of the further development of the Republic of Uzbekistan // The Law of the Republic of Uzbekistan. - Tashkent, 2017. - No. 6 (766). - 32.

² Afanaseva O.N. Sostoyanie rynka proektnogo finansirovaniya i faktory, sderzhivayushchie ego razvitiya // Balance and credit. - Moscow, 2014. - №2. - S. 37

³ Judina I.N. The banking system in developing economies: the experience of formation, development and crises. Monograph. - M.: INFRA-M, 2013. - p. 29.

E. According to Yescomb, “the attraction of long-term loans to finance large-scale projects through financial engineering depends on the assessment of risks associated with construction, operation, revenue and the distribution of risks between investors and lenders.”⁴

Research methodology

The methodology of the study is to substantiate the goals and objectives of the commercial banks' investment lending practice, and to justify the potential for solving problems in increasing their role in the development of the economy. In this article it has been used some statistical analyses in qualitative methods with secondary source data.

Results

In the total volume of loans issued by commercial banks of the Republic of Uzbekistan to individuals and legal entities, long-term investment loans occupy a high share of the total amount of loans issued by commercial banks of the Republic of Uzbekistan. This is explained by the widespread involvement of commercial banks in the financing of investment projects implemented within government programs. In 2018, commercial banks will allocate 38.8 trln. soums, or 2.4 times more than in 2017. Distribution of investment loans by sectors is as follows. Increased inflation in 2016-2018 forced the Central Bank to raise its refinancing rate. This, in turn, led to an increase in commercial banks' interest rates on loans in national currency.⁵

Discussion

Main direction on arguing main outcomes are relevance of the decree on investment loan, discussing new tendencies of the active issued investment loans around Uzbekistan and modern reforms and statistic results on dynamics of crediting given sectors of the economy.

Conclusion and suggestions

Finally it has been come to argument that by the guarantee of the government of the Republic of Uzbekistan should be set at LIBOR + 1.25%, depending on the normative level of net interest rate spread for further development. And other scientific approaches have been offered:

- it is necessary to ensure harmonization between the expansionist monetary policy of the Central Bank and the budgetary policy aimed at stimulating general demand;
- it should be taken to further enhance the ability of commercial banks to provide investment loans by strengthening their resource base.

⁴ Yescomb E. R. Principles of projection of financing. Per s angl.–M.:Vershina, 2008. -p. 114

⁵ Statistical Bulletin of the Central Bank of the Republic of Uzbekistan. - Tashkent, 2018 - 32-33. www.cbu.uz.

Камилова И.Х. – ТДИУ таянч докторанти

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ИНВЕСТИЦИОН КРЕДИТЛАР БЕРИШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Мақолада Ўзбекистондаги ҳозирги иқтисодий вазият юқори инвестицион фаоллик билан ажралиб туриши ҳамда ушбу инвестицион жозибадорлигини оширишда хусусий сектор иштирокини кенгайтириш долзарблиги республикамиздаги банкларнинг инвестицион кредити молия бозорида муҳим ресурсга айланаётгани, кредит муассасаларининг қайта молиялаш механизмидан фойдаланиши, инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ва уларнинг мавжудлигини ошириш учун узоқ муддатли кредитлар бериш, банклар имкониятларини кенгайтириш орқали банкларнинг инвестиция кредитлаш амалиётини ривожлантириш дастурининг асосий йўналишларини келтириб ўтилган. Инвестиция лойиҳаларини кредитлаш кредитнинг бошқа шаклларида сезиларли даражада фарқ қилар экан, мақолада банк инвестицияларини кредитлашни амалга ошириш ва улар амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган муаммолар аниқланган ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: кредит, инвестицион кредит, тижорат банки, Марказий банк, фоиз ставкаси, қайта молиялаш ставкаси, мажбурий захира ставкаси, инвестиция лойиҳаси, инфляция, валюта курси.

ВАЖНЫЕ ВОПРОСЫ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ ПО УЛУЧШЕНИЮ ИНВЕСТИЦИОННОГО КРЕДИТА

Статье выявлена текущая экономическая ситуация в Узбекистане, характеризующаяся высокой инвестиционной активностью и актуальностью расширения участия частного сектора в повышении его инвестиционной привлекательности, банковские инвестиционные кредиты за счет расширения возможностей банков, основные направления программы по практике. В статье определяются проблемы, связанные с внедрением и совершенствованием кредитования банковских инвестиций и разрабатываются научные предложения по их решению, хотя финансирование инвестиционных проектов существенно отличается от других типов кредитования.

Ключевые слова: кредит, инвестиционный кредит, коммерческий банк, Центральный банк, процентная ставка, ставка рефинансирования, ставка обязательного резерва, инвестиционный проект, инфляция, валютный курс.

Кириш

Тижорат банкларининг кредитлари ҳар бир мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим роль ўйнайдиган молиялаштириш манбаи ҳисобланади. Банк кредитлари ёрдамида хўжалик юритувчи субъектлар маблағларининг доиравий айланишини узлуксизлиги таъминланади,

иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари фаолиятини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш билан боғлиқ бўлган инвестицион харажатлар молиялаштирилади, улар томонидан бериладиган ипотека кредитлари эса, қурилиш индустриясини ривожлантиришнинг зарурий шarti ҳисобланади. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да тижорат банклари томонидан истиқболли инвестиция лойиҳаларини кредитлашни кенгайтириш вазифаси қўйилган [1]. Бу эса, тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини кредитлаш амалиётини такомиллаштириш масаласини илмий асосда тадқиқ қилиш заруриятини юзага келтиради.

МАЗЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Тижорат банкларининг кредитлаш операциялари, хусусан инвестицион кредитлаш операциялари бугунги рақобат кучайиб бораётган шароитда муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур операциялар банкларнинг асосий даромад манбаи бўлиши билан бир қаторда банк стратегиясини ривожлантиришда кундан кунга долзарблиги ошиб бормоқда. Тижорат банкларининг инвестицион кредитлар бериш амалиётини ташкил этиш ва уни такомиллаштириш бўйича бир қатор хорижий ва маҳаллий олимлар, иқтисодчилар илмий тадқиқот ишларини олиб боришган.

Хорижий олимлардан О.Афанасьеванинг хулосасига кўра, ривожланаётган мамлакатларда банклар учун қисқа муддатли кредитлар бериш узок муддатли инвестицион кредитлар беришга қараганда афзал бўлиб, юқори даромадлигини ва паст риск даражаси билан ажралиб туради. Давлатнинг инвестиция сиёсатининг ва асосий ишлаб чиқариш фондларини янгилаш ва мамлакатнинг инновацион ишлаб чиқариш салоҳиятини мустаҳкамлаш соҳасидаги сиёсатининг мавжуд эмаслиги лойиҳавий молиялаштиришни ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи асосий макроиқтисодий омилдир [2].

И.Юдинанинг хулосасига кўра, ривожланаётган мамлакатларда тижорат банкларининг узок муддатли кредитлаш амалиётини ривожлантиришнинг зарурий шarti – бу рискларни диверсификация қилишдир [3].

Э. Ёёскобнинг фикрига кўра, “узок муддатли кредитларни молиявий инжиниринг воситасида йирик лойиҳаларни молиялаштиришга жалб этиш қурилиш, фойдаланиш, тушум билан боғлиқ бўлган рискларни баҳолашга ва рискларни инвесторлар ва кредит берувчилар ўртасида тақсимлашга боғлиқ [4].

Э.Ёёскобнинг ушбу хулосаси Ўзбекистон учун муҳим амалий аҳамият касб этади. Инфляция даражасини ва миллий валютанинг қадрсизланиш суръатини юқори эканлиги инвестиция лойиҳаларини кредитлаш жараёнидаги рискларнинг ошиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Маҳаллий олимларимиздан Т.Бобакуловнинг фикрига кўра, ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида монетизация даражасининг паст эканлиги хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги дебитор-кредитор қарздорлик

муаммосини чуқурлаштиради. Бу эса, уларнинг пул оқимини заифлашувига олиб келади ва тижорат банкларининг инвестицион кредитларидан фойдаланиш даражасини оширишга тўсқинлик қилади [5].

А.Боймуратовнинг фикрига кўра, қишлоқ хўжалигини кредитлаш билан шуғулланаётган тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлаш мақсадида, улар томонидан бир йилдан ортиқ муддатга чиқарилаётган облигацияларнинг эмиссия ҳажмини ошириш ва инвесторларнинг мазкур облигациялардан оладиган даромадларини фойда (даромад) солиғидан озод қилиш лозим [6].

Фикримизча, бир йилдан ортиқ муддатга чиқарилган облигацияларнинг муомалага чиқарилиши қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчиларининг узоқ муддатли кредитларга бўлган талабини сезиларли даражада қондириш имконини беради. Чунки ҳозирги даврда республикамизнинг қишлоқ хўжалигига бевосита кредитлаш билан шуғулланаётган тижорат банкларида узоқ муддатли ресурсларнинг етишмаслиги мавжуд.

А.Омоновнинг фикрига кўра, субординациялашган қарз мажбуриятларини тижорат банкларининг иккинчи даражали капитали таркибига киритиш йўли билан уларнинг капитал базасининг барқарорлиги ва узоқ муддатли ресурс базаси ҳажмини ошириш мақсадга мувофиқдир [7].

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан жисмоний ва юридик шахсларга берилган кредитларнинг умумий ҳажмида узоқ муддатли инвестицион кредитлар юқори салмоқни эгаллайди (1-расм).



1-расм. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан берилган кредитларнинг муддатига кўра таркиби, фоизда [8]

1-расм маълумотларидан кўринадики, Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан берилган кредитларнинг умумий ҳажмида узоқ муддатли кредитлар юқори салмоқни эгаллайди. Бу эса, давлат дастурлари доирасида амалга оширилган инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш жараёнларига тижорат банкларининг кенг кўламда жалб этилганлиги билан изоҳланади.

2018 йил давомида тижорат банклари томонидан иқтисодиёт реал сектори корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда ишлаб чиқаришни диверсификациялашга доир инвестиция лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадлари учун 38,8 трлн. сўм, яъни 2017 йилга нисбатан 2,4 баробарга кўп инвестицион кредитлар ажратилди. Тармоқлар кесимида инвестицион кредитларнинг тақсимоли қуйидагича бўлди:

- 18,3 трлн. сўми (47 фоизи) саноат соҳасига;
- 4,9 трлн. сўми (13 фоизи) қишлоқ хўжалиги соҳасига;
- 4,8 трлн. сўми (12 фоизи) транспорт ва коммуникация соҳасига, 2,6 трлн. сўми (7 фоизи) қурилиш соҳасига;
- 1,7 трлн. сўми (4 фоизи) хизмат кўрсатиш соҳасига;
- 6,5 трлн. сўми (17 фоизи) бошқа соҳаларга [9].

Бироқ, тижорат банкларининг инвестицион кредитларининг фоиз ставкаларини ошириш кузатилмоқда (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида инфляциянинг йиллик даражаси, Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси ва тижорат банкларининг миллий валютадаги инвестицион кредитларининг ўртача йиллик фоиз ставкаси [10]

Кўрсаткичлар	2016 й.	2017 й.	2018 й.
Инфляция даражаси	5,7	14,4	14,3
Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси	9,0	14,0	16,0
Тижорат банклари инвестицион кредитларининг ўртача йиллик фоиз ставкаси	11,5	18,7	21,8

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2016-2018 йилларда инфляция даражасининг ошириш кетганлиги Марказий банкни қайта молиялаш ставкасини оширишга мажбур қилди. Бу эса, ўз навбатида, тижорат банкларининг миллий валютадаги кредитларининг фоиз ставкаларини оширишга олиб келди.

Фоиз ставкалари тижорат банклари инвестицион кредитларининг баҳоси ҳисобланади. Шу сабабли, инвестицион кредитларнинг фоиз ставкаларини ошириш уларнинг қимматлашишига олиб келади. Бунинг натижасида, жисмоний ва юридик шахсларнинг тижорат банкларининг инвестицион кредитларидан фойдаланиш имкониятлари пасаяди.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Амалга оширилган таҳлилларнинг натижалари кўрсатдики, биринчидан, Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан берилган кредитларнинг умумий ҳажмида узоқ муддатли кредитлар жуда юқори салмоқни эгаллайди; иккинчидан, банкларнинг инвестицион кредитларининг фоиз ставкаларини юқори эканлиги хўжалик юритувчи субъектларнинг ушбу кредитлардан фойдаланиш даражасини оширишга тўсқинлик қилмоқда. Шундай экан, бугунги кунда иқтисодиётимизнинг молиявий мувозанатини

таъминлаш ҳамда банкларнинг юқори кредитлаш фаоллигини ушлаб туриш мақсадида марказий банк қайта молиялаш ставкасини ижобий реал даражада шакллантирилиши лозим. Бундан ташқари иқтисодиётда фоиз ставкаларининг босқичма-босқич эркинлаштирилиши ҳамда бир вақтни ўзида кредитлаш шартларини ва механизмларининг бозор ёндашуви асосида такомиллаштирилиши транмиссион механизм “кредит канали” ишлаш самарадорлигини янада оширишга ёрдам беради [11].

Фикримизча, республикамиз тижорат банкларининг инвестицион кредитлар бериш амалиётини такомиллаштириш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

1. Хўжалик юритувчи субъектларнинг тижорат банкларининг инвестицион кредитларидан фойдаланиш даражасини ошириш мақсадида инвестицион кредитларнинг фоиз ставкаларини паст ва барқарор даражасини таъминлаш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш зарур:

– Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг қафолати асосида жалб қилинаётган кредитларнинг фоиз ставкасини, соф фоизли спрэд кўрсаткичининг меъёрий даражасидан келиб чиққан ҳолда, LIBOR + 1,25 % даражасида белгилаш лозим;

– Марказий банкнинг экспансионистик пул-кредит сиёсати билан умумий талабни рағбатлантиришга қаратилган бюджет сиёсати ўртасидаги уйғунликни таъминлаш лозим;

2. Тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлаш орқали уларнинг инвестицион кредитлар бериш имкониятини янада ошириш мақсадида қуйидаги аниқ тадбирлар амалга оширилиши лозим:

–Марказий банкнинг тижорат банкларининг хорижий валютадаги депозитларига нисбатан белгиланган мажбурий захира талабномасининг амалдаги даражасини (14%) LIBIDнинг ўртача йиллик даражасидан келиб чиққан ҳолда белгилаш лозим;

–Миллий валютанинг девальвация суръати ва ялпи ички маҳсулот дефляторининг даражасини пасайтириш йўли билан банклар томонидан муомалага чиқариладиган узоқ муддатли қимматли қоғозларнинг инвестицион жозибдорлигини ошириш керак;

– Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан мамлакат учун стратегик аҳамиятга эга бўлган йирик инвестиция лойиҳаларини молиялаштираётган банкларга, инвестиция лойиҳаларини кредитлашга йўналтириш шарти билан субординар кредитлар бериш жамғармасини ташкил қилиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – № 6 (766). – 32-Б.

2.Афанасьева О.Н. Состояние рынка проектного финансирования и факторы, сдерживающие его развития//Деньги и кредит.– Москва, 2014.- №2. – С.37

3.Юдина И.Н. Банковская система в развивающихся экономиках: опыт становления, развития и кризисов. Монография. – М.: ИНФРА-М, 2013. – С.29.

4.Йескомб Э. Р. Принципы проектного финансирования. Пер. с англ. –М.: Вершина, 2008. – С.114.

5.Бобакулов Т.И. Ўзбекистон Республикасида миллий валюта курсининг барқарорлигини таъминлаш борасидаги муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати –Тошкент, 2008. –13-Б.

6.Боймуратов А.Д. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини банклар томонидан кредитлаш амалиётини такомиллаштириш йўналишлари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати – Тошкент, 2008.

7.Омонов А.А. Тижорат банкларининг ресурсларини самарали бошқариш масалалари. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси– Тошкент, 2008.

8.Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг www.stat.uz сайти маълумотлари.

9.Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2018 йилдаги фаолияти тўғрисида ҳисобот (Б. 38). www.cbu.uz.

10.Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг www.stat.uz сайти маълумотлари.

11.Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2019 йил 19 октябрдаги Пресс-релизи.

12.Kamilova I. (2019) Economic prospects of tranching syndicate loan markets. *International Scientific Journal Theoretical & Applied Science*. Issue 10, Volume 78, 2019. SOI: 1.1/TAS; DOI: 10.15863/TAS.

13.Diamond, D. (1991). Monitoring and reputation: The choice between bank loans and privately-placed debt, *J. Polit. Econ.*99, 689–721.